


50 (996)-сон

15 — 21 декабрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

«NET»ДА ТУТАШГАН
ТАҚДИРЛАР

4




6

УМИД ЎЛМАЙДИ

ОТЛАР ҲАМ
ЙИҒЛАЙДИ



7



8

ҚАРЗИМНИ ҚАНДАЙ
ҚАЙТАРАЙ?

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Собир НАРЗИЕВ сурат-лавҳаси.

*Аёллари ва болалари бахтли юрт
энг яхши заминдир.*

“Авесто”дан

■ ■ ■ ■ ■ “ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177

Муҳаббат ЗОХИДОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг халқаро ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи:

— Кўпгина ҳуқуқий саволлар жинсга кўра фарқланмайди, яъни улар эркак ва аёлларга бир хил тарзда тегишли бўлади.

Бир нарсани унутмаслик керакки, аёллар ҳуқуқларини эркаклар ҳуқуқлари билан тенглаштирибгина қолмай, балки бу тенгликнинг кўшимча кафолатларини ҳам яратиш лозимлиги ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда.



ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИ

Мамлакатимизда таълим соҳасига, айниқса, ёш авлодни камол топтириш, таълим-тарбия беришдек хайрли ишга давлат даражасида эътибор қаратилган, бу борада улкан муваффақиятларга эришилган кувонарлидир. Шу йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги яппи мажлисида ҳам республика таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг самарали келажатини яна бир қарра дунё миқёсида эътироф этилиши бежиз эмас.

Бугунги мақолаимиз қаҳрамони ҳақида сўз кетса, нарпайликлар "Умридан барака топсин, ўз ҳамқишлоқларининг дуосини олиб, 1995 йили шинамгина мактаб қурилишида бошқош бўлган эди", дейишади. Эларнинг эътирофида гап кўп экан. Куйинчак муаллимнинг баркамол авлод тарбияси йўлидаги фидойи меҳнати халқимиз ва давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, 2004 йили у "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Муқтазиллигининг 19 йиллиги арафасида эса Нарпай туманидаги 52-умумтаълим мактаби директори Зиёдулла Санаев Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга сазовор бўлди.

— Кўрбошимиз умумхалқ байрами — ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан йўллаган табрикларида "Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим" дея бизнинг камтарин меҳнатимизга ниҳоятда юксак баҳо берганликларини ҳаммамизга янада жиддийроқ масъулият юклади. Чунки дунёда ўқитувчиликда машаққатли ва ўз навбатида савобли иш топилмас керак, — дейди Зиёдулла ака тўлқинланиб. — Отам Файзулло бобонинг "Юк кўтарган барбир бир кунини юзага чиқади. Фақат ҳалол меҳнат қилинг, ўғлим, ҳалолликда ва қолаверса, сабру тоқатда хикмат кўп" деган ўғитлари, доно маслаҳатлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Дарвоқе, ўқитувчилик ҳар кимнинг қўлидан келадиган иш эмас. Бу касбнинг нони ҳам, меҳнати ҳам қаттик, керак бўлса, жуда тоғимли, ширин. Шу кунгача бизнинг соҳага ҳеч иккиланмай айтишим мумкин, тасодифан, яъни адабиёт келиб қолганларнинг қанчасини кўрдим. Лекин уч-тўрт йил ўтар-

ЗИЁ УЛАШАЁТГАН
ЗИЁДУЛЛА МУАЛЛИМ

ўтмас, улар қандай келган бўлса, шундай кетиб қолиши. Майли, бу ҳам ўзига хос синов майдони. Чиданганга чиқарган, деганлари шу-да аслида.

Очиги, бугунги кунда таълим соҳасида хизмат қилаётган инсонлар зиммасига юкланаётган долзарб вазифалар ғоят залворли ва ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ ҳам. Чунки исталган педагогик жамоани эзгу мақсадлар сари йўналтириш ва уларни замонавий таълим тизимидаги ўзгариш ва янгиликларни эгаллашларига кўмаклашиш, энг аввало, ана шу даргоҳ раҳбаридан тинимсиз изланиш ва жонқурликни талаб этади. 52-умумтаълим мактабида 53 нафар ўз касбининг фидойилари 452 нафар ўқувчи-ёшларга турли фанлар сирларини ўргатишмоқда. Илм масканида "Устоз-шоғирд" анъанасига алоҳида эътибор қаратилиб, энди иш бошлаган ўқитувчиларга услубий ёрдам тариқасида 12 та илгор тажриба мактаблари тизими фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, зиё масканида математика, инглиз тили, физика, тарих, она тили фанлари чуқурлаштириб ўтиладиган синфлар очилган.

Зиёдулла ака ўзаро гурунгимиз орасида ўзининг олис талабалик йиллари ва бугунги ёшлар тақдирига оид фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирди: "Мен ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг физика факультетида таҳсил олганман. Ўз касбининг захматкашлари қўлида ўқиганим учунми, кейинчалик ҳам уларнинг бир умрга татиғулик сабоқларини унутмадим, эринмасдан изландим. Ҳозир ҳам баъзан ҳамкасбларимга, ўқувчиларга биз ўқиган оғир даврлар ҳақида сўзлаб берман ва бугунги саодатли кўнлар қадрига етмоқчи кўп марта таъкидлайман. Нега десангиз, бугунги авлод онги ва тафаккурини буюк истиқлолимизнинг эзгуликка йўрилган голялари билан бойитиб боришимиз керак".

Нарпай туманидаги Дедан маҳалласида яшаётган Зиёдулла аканинг оиласида кўпчилик ҳавас қилади. Хонадон бекаси Муборақ опа тўрт фарзандни тарбиялаб камолга етказишда Зиёдулла акага чин маънода суянчи бўлди.

— Менинг эришган барча муваффақиятларимда умр йўлдошим Муборақ опангизнинг ҳиссаси катта, — дейди Зиёдулла ака. — Бош Қомусимиз-



да оила жамиятнинг асосий бўғини эканлигига бежиз алоҳида урғу берилмаган. Абдулла Ориповнинг "Ўйда тинчи бўлсин йигитнинг" деган машҳур сатрини кўп эслайман. Чунки ҳар қандай эркак ўз оиласида ҳаловат, тоғулик топсагина, маҳалла-қўйда, ишлаётган жамоасида обрў-эътибор қозонади. Яна бир жиҳати, эр-хотин бир-бирига меҳрибонлик кўрсатса, ахил бўлса, шу оилда вояга етаётган фарзандлар ҳам улардан андоза олади. Қизим Зебо ота касбини эгаллади — тумандаги 33-мактабда муаллима. Ўғлим Одижон тadbиркор. Инобат СамДУ қошидаги академик лицейни тугатди. Кенжа ўғлимиз Олимжон Пахтачи тиббиёт коллежининг талабаси.

Зиёдулла Санаев оддий ва камтаринлиги боис, ҳадеб мақтанишни хуш кўрмайдиган устозлардан бири эканлиги унинг юз-кўларидан шундоққина сезилиб туради. Зеро, қисмат-тақдир баркамол авлодга илму маърифат ато этишдек бахтга муяссар бўлган "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" Зиёдулла акаларга ўхшаган фидойи зиёллар шаънига ҳар қанча таърифлар айтсак, шунча камлик қилади.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.
Самарқанд вилояти.

БЎЁҚЛАРДА —
ГЛОБАЛ ДУНЁ

Яқинда Фонд Форум, республика Миллий санъат маркази ҳамда Грузиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан биргаликда грузиялик рассом Хатуна Хомериқнинг «Бизнинг кичик глобал дунё» номли шахсий кўргазмасининг очилиш маросими ўтказилди. Бундай лойиҳалардан асосий мақсад жаҳон маданиятида рўй бераётган ўзгаришлар билан мамлакатимиз аҳолисини таништиришдир.

— Инсон ҳаёти мобайнида уни ўраб турган борлик, нарзалар — сўзлар, саналар, инсонлар, табиат, тасвирлар — буларнинг бари мураккаб математик тизимни ташкил этади. Ҳаёти давомида инсон ушбу математик мисолларни ечиб, янгиларини очиб боради, — деди Хатуна Хомериқ маросимда ўз ижодий ишларини ифодалар экан, — Буларнинг барчаси инсон тугилганидан бошлаб, то умри поёнига етгунча узлуқсиз равишда давом этаверади. Балки

САНЪАТ

шимизга боғлиқ-топилган масалаган янги виртуал



Кўргазма 20 декабрда давом этади.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига қарашли Аҳил маҳалласида яшаётган аҳолининг қувончи чексиз. Бу ҳудудда 52 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, яъни 230 метр чуқурликда артезиан кудуги қовланиб, 800 метр масофага насослар ўрнатилиб, полиэтилен трубалар тортилди. Бугун бу гўшанинг 600 хонадондан иборат 3150 нафар аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўла таъминланди. Жорий йилнинг сентябрь ойида яна

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

чет эллик ҳамкорлар билан 155 миллион сўмлик 8 та янги лойиҳани амалга ошириш бўйича шартномалар имзоланган эди.

Ўзаро келишувга мувофиқ маъзур лойиҳаларни тузишдан қўзланган асосий мақсад — қишлоқларда яшаётган одамларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва пировардида яна 50 мингдан ортиқ аҳолининг бу борадаги аҳтиёжини қондиришдан иборат.

Яқинда эса вилоятнинг Чиноз туманидаги «Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролар йигини ва «Ишчилар шахарчаси» мавзесида ҳам маъзур ҳудуд ахлини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга оид таъйёрланган лойиҳа объектини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
«Экосан» ХЖФ жамоатчилиги
билан алоқалар бўлими бошлиғи.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР
МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлар хавфи тугилганда ҳамда содир бўлганда муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Т. Худойберганов фуқароларимизнинг тинч-осойишталиги билан бир қаторда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ҳудудларни табиий ҳамда турли хил вазиятлардан муҳофаза қилишда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимизнинг маъзур соҳага оид қабул қилинган фармон ва қарорлари асосий дастуриламал бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади ҳамда маъзур тармоқ бўйича жойлардаги ютуқ ва камчиликлар юзасидан таҳлилий маъруза қилди.

Тadbирда сел ва сув тошқини, шу жумладан, қор кўчиши хавфи бўлган айрим ҳудудлардаги объектларнинг мониторингини олиб бориш, хавфи геологик жараёнларни кузатиш орқали фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш билан бирга уларнинг оқибатларини бартараф этишда айрим масъул муассасалар (санитария эпидемиология хизмати, сейсмология институти, гидрометеорология маркази ва х.к.) фаолиятига тегишли долзарб вазифалар ҳам атрафлича муҳокама этилди.

Шаҳноза РОФИЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

БАЙРАМГА ҲАМОҲАНГ
ТАДБИРЛАР

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Бош Қомусимизнинг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналарга ҳамоҳанг тарзда Оҳангарон шаҳри ҳам бу кун ўзгача байрам тусини олди. Айниқса, маҳалла-қўйлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа жойларда Конституцияимиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб уюштирилган мазмунли учрашув, кечалар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилган байрам тadbирларида шаҳар ФХД бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Қамолот" ЕИХ ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишди. Айниқса, кенг жамоатчилик ўртасида давлатимизнинг Бош Қомусида фуқароларнинг кафолатлаб қўйилган ҳақ-хуқуқлари, манфаатлари, шу жумладан, жамиятимизнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилган оила, оталик ва оналикнинг қонуний мақоми, расмий ниҳоят тушунчасига оид бурч-вазифалар хусусида давра суҳбатлари уюштирилди.

Наргиза АҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар
ФХД бўлими мудирини.

ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ

Маълумки, республика халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимизда ноябрь — рус тили ва адабиёти оий сифатида эълон қилинган эди. Шу боис кўпйлаб таълим масканларида рус тили ва адабиёти фани бўйича турли тadbирлар, беллашувлар, кечалар ўтказилди.

Хоразм вилоятидаги Питнак шаҳарчасига қарашли П.И. Сизов номли 2-умумтаълим мактабида ўтган зуққолар беллашувида эса ҳар бир синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган қизиқарли виқорлар, чизилган суратлар, турли саҳна кўринишларини намойиш этишди. Айниқса, 5-7-8-9-синф ўқувчилари ушбу нуфузли ойлик доирасида ташкил этилган савол-жавоб кечаларида ҳам адабиётда ном қозонган қардош халқ адиблари яратган классик асарлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзига хос дастур асосида уюштирилган маъзур ойлик ниҳоясида бугунги замон талаблари асосида бир неча ноанъанавий дарс услубларини муваффақиятли жорий этган устозлардан М. Раҳимов, С. Матёқубовларнинг меҳнати юқори баҳоланди ва беллашувда фаол иштирок этган зуққо ўқувчилар ҳам эсдалик совғалари билан тақдирланди.

С. АТАМУРАТОВА,
Хоразм вилояти Питнак шаҳарчасида-
ги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида» конвенция қабул қилинганига 30 йил ўтган бўлса-да, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси халқаро ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Мухаббат ЗОХИДОВА, — эътироф этиш кераки, бу конвенция хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш йўлида қўйилган энг муҳим қадамлардан бири эди. Ўзбекистон 1995 йил 18 августда хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилган. Ҳўш, қонунларимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг шартлар асосида меҳнат қилиш ҳуқуқи, ишга ёланишда бир хил имкониятлар, касбни эркин танлаш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шартларига эга бўлиш, касалланиш, ногиронлик, пенсияга чиқиш ва ишсизлик ҳолатларида ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқлари мавжуд экан, мазкур конвенция бизга нима беради, деган савол туғилиши мумкин.

Тўғри, ҳақиқатан ҳам муҳим бир жиҳатни қайд этиш кераки, мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар фақатгина тенг ҳуқуқлилиқ билан чекланмаган. Айни пайтда нодавлат-нотижорат ташкилотлари, кишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари, махалла кўмиталари ва бошқа кўплаб соҳаларда аёллар сони ва ўз навбатида фаоллиги ортиб бораётгани уларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан

ГУЛНИНГ ТИКОНИ БОР, ДЕМАНГ

Аёлни гул билан урмоқ ҳам гуноҳдир, дейилади қадим мақоллардан бирида. Ҳақиқатан, табиатан жисми ҳам, кўнгли ҳам гулдан-да нозик аёлга нисбатан бундай муносабатда бўлиш жоҳилликдир. Афсуски, кўпинча бу гаплар шунчаки баландпарвоз жумлалар бўлиб қолмоқда, холос. Ахир, Ер юзиде жабру ситам кўриб яшаётган аёллар камми? Шукрки, бизнинг мамлакатимизда Бош Қомусимиз ҳамда амалдаги қонунларда кафолатланганидек, хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқлилиқ билан бирга яна қатор имтиёз ва эркинликлар яратиб қўйилган.

нечогли химоя этилаётгани исботидир. Шунга қарамай, ҳаётда дуч келинадиган айрим ҳуқуқий муаммоларда кўпинча жабранувчи томон аёллар бўлиб қолаётгани ҳам бор гап. Ҳўш, нега шундай? Бунинг олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Саволларимизга аниқлик киритиш мақсадида яна бир жиҳатга эътиборингизни тортмоқчиман. Кўпгина ҳуқуқий саволлар жинсга кўра фарқланмайди, яъни улар эркак ва аёлларга бир хил тарзда тегишли бўлади. Бир нарсани унутмаслик кераки, аёллар ҳуқуқларини эркаклар ҳуқуқлари билан тенглаштирибгина қолмай, балки бу тенгликнинг кўшимча кафолатларини ҳам яратиб лозимлиги ҳаётини заруриятга айланиб бормоқда. Масалан, биргина аҳоли саводхонлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, гарчи мамлакатимизда қизлар ўрта таълимни деярли тўлиқ олса-да, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки,



олий ўқув юртлирига кирган қизлар сони 37 фоизни ташкил этади, холос. Аспирантура босқичига келиб эса бу кўрсаткич янада пасайиб кетади (11 фоиз). Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда аёллар ва эркакларнинг квота кўрсаткичи 50 х 50 фоиз этиб деб белгиланган.


Аммо биз менталитетимиз, амалдаги қонунчилиқ ва унинг халқимиз ҳаётига нечоғли мослашини ҳисобга олиб, хотин-қизлар нисбати 30 фоизни ташкил этиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу кимларгадир ғайритабиий туюлмағли керак. Салбаби, бизда сифат кўрсаткичга кўпроқ эътибор қаратилади. Қолаверса, аёллар илм олиш, жамоат иши ва сиёсий фаолиятда ўз позициясига эга бўлиш билан бирга, оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириш ва уларни тарбиялаш каби қадим анъана ва қарашларимиздан ҳам узоклашмаслиги керак. Бу, энг аввало, ўқиган, олий маълумотли аёллар ўз ҳуқуқларини яхши билишини таъминласа, иккинчидан, улар ишсизлик, дематки, моддий етишмовчилик муаммосидан ҳимояланади дематкидир. Шу боис 2010 йили яратилган янги иш ўринларининг каттагина қисми аёлларга ажратилди. Мамлакатимизда тадбиркор аёлларга қасаначилик, хунармандчилиқ соҳасида фао-

ЖАРАЁН

лият юритиши учун давлатимиз томонидан миллиардлаб маблағ ажратилди. Бундай хайрли амалларимизни санашни анча давом эттиришимиз мумкин. Аммо аёлларга нисбатан яна шундай зўравонлик турлари ҳам борки, хотин-қизлар жинсига кўра тўғридан-тўғри камситилиш, воситали камситилиш, жинсий хиралик каби ҳолатларга ҳам учраши мумкин. Айниқса, оилаларда содир бўладиган турли руҳий ноҳушлиқлар кўпроқ учраётгани ачинарли ҳолдир. Яна, кўпчилик аёллар иш жойида жинсий хираликдан жабр чекиш, қайнонасининг ҳақоратли сўзларига чидаш, эрининг устидан қулфлаб кетиши сингари кўплаб ҳолатларни табиий деб қабул этиши эса жуда галати. Аслида, бундай мисоллар аёл ҳуқуқларининг поймол этилиши эканини ва бундай ҳолатларда аёл қонун орқали химоя этилиши лозимлигини ҳатто билмайди ҳам. Оқибатда эса...

Унутмаслик кераки, оилавий-ички зўравонликка қонунан курашишдан мақсад битта, яъни оилани ҳимоя остига олишдир. Зотан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринда турган жамиятга энг олий жамият ҳисобланади. Демак, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг қонуний асослари яратилган экан, галдаги вазифаларимиз аёлларга нисбатан зўравонликка қарши жамоатчилиқни оғоҳ этишдан иборатдир.

«Оила ва жамият» муҳбири
Дилфуза КЎЗИЕВА
ёзиб олди.



Болалигимда ҳар баҳор маҳали тарорланадиган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Навбахорнинг илқ нафаси борлиқни уйғотган қунлари отам киш бўйи совуқдан асраб, кўмиб қўйилган тоқларнинг устидаги тупроқни олиб ташлаб, кейин уларнинг танасини авайлаб сўртоқларга кўтарарди-да, шохлари — панжаларини худди қизларнинг қориклари каби чиройли қилиб ёйиб, сўртқ ёғочларига боғлаб кўярди. Онам эса бу шохларни боғлаш учун ишлатилиб юмшоқ бўлиб қолган, у ербу ери йиртилган чойшаб ёки кийимнинг бутун жойларидан узун-узун қилиб қирқиб берарди. Ҳолбуки, хонадонимизда доимо жун ип ёки коғоздан эшилган канопо бўларди. Отам тоқ шохларини латта қийимлар билан сўртқоққа боғлаётганларини биринчи марта кўрганимда, канополардан бирини олиб чиқиб: «Манави тайёр ипда боғласангиз бўлмайди!» — деганман. У киши кулимсираб: «Бўлади, қизим, аммо ўзинг ушлаб кўргин, бу канопо қаттиқ. Латта ёғичлар эса тоқ шохларига озор бермайди. Ахир буларнинг ҳам жони бор, авайламасанг, оғрийди!» — деб бошимни силаб қўйганлар...

Ҳаётимда ўша воқеани беихтиёр эслашимга туртки берадиган худди шундай ҳолатларга кўп бора гувоҳ бўлдим. Ва отамнинг ҳатто дарахт, ниҳолларга-да нега бу қадар меҳрибончилиқ кўрсатгани халигача ҳайратга солади мени. Айниқса, ёш болаларни уришиб, сўқиб, силтаб, урган ота-оналарни кўрганимда...

— Келинимнинг невараларимга қилган дағдағасидан бу норасидаларни қўяверинг, менинг ҳам юрагим ўйнайдиган бўлиб қолди, — дея кўнглини очди бир аёл. — Энди... бола ўз номи билан бола-да! Уйнагиси, югургиси, шўхлик қилгиси келади. Яқинда денг, чопқиллаб юрган набирам бирданга чирқиллаб йиғлаб қолди. Ҳовлига югуриб чиққан келиним уни юпатиш

ўрнига бор овози билан уришишга тушди. Нима гап экан, десам, неварам йиқилиб тушибди-ю, тиззаси сал шилиниб лат ебди, шимчаси озгина йиртилибди. Мени оғринтирган нарса — онаси унинг жони оғрийгани билан сира иши йўқ, ақсинча, «Кечагина фалон сўмга обертган шимни нега йиртдинг?», деб бечора болакани шудраб қолди. Ўша пайти ичимдаги шайтон «Нима, сенга боладан ҳам бир парча латта афзалми?», деб ке-

унинг шимчаси тиззасига дум-думалоқ коптоқ шаклида ямоқ солиб қўйдим, кўрганлар уни асли фабрикадан шундай чиқарилган бўлса керак, деб ўйлаши тайин...

Ҳа, синган, йўқолган, йиртилган буюм, кийимнинг янғисини олса бўлади ёки уларсиз ҳам турмушда бир чора топиш мумкин. Бироқ... атрофдагиларнинг қаҳру ғазаби, тақиллаши, бақириб-чақириларидан зада бўлган бола кўнгли-

БОЛА ҚАЛБИ ТОШ ҚОТМАСИН



нинг кўрқув, ҳадик туфайли емирилиб борадиган жасоратини, одамларга ишончини, қизиқшини қайта тиклаш осон эмас.

...Яна бир воқеа: Қадронимнинг талаба ўғли ёшлигида шунчалар қутилмаган ишлар қиларканки, «Эҳ, бу шумтақани на койишни билардим, на мақташни. Калитини бураса юрадиган қимматбахо ўйинчоқ машиналарни ҳеч қанча ўйнамай, бир бурчакка кириб олиб бузиб, майдалаб синчиклаб қараб ўтирарди. Рўзгорда туп-

па-тузук ишлатиб турилган буюмни аралаб, синдириб ундан бирор нарса ясамоқчи бўларди» дея эслаб қулади у. Қизиги шундаки, шу аёл бузилган, синдирилган буюмнинг нархи-бахосидан ҳам кўра кўпроқ боласи нима сабабадан бунга «устабузармончилик» қилиши ҳақида ўйларди. У охири ўқитувчилар, психо-

ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

лог билан маслаҳатлашди. Улар аёлга ўғлини бирор бир устоза шоғирдикка бериш кераклигини айтишди. Шундан кейин ҳали ўн ёшгаям кирмаган боласини радио, телевизор тузатиш устaxonасига, дурадгорнинг олдига, сартаршоҳнага, ҳайкалтарошнинг ишхонасига... ҳуллас, анча-мунча касбу кор эгаларининг олдига етаклаб борибди. Уларнинг орасида болага мебель ясаш кўпроқ ёқиб қолганини сезибди. Демак, унинг дилида нимадир яратишга қизиқиш, иштиёқ кучли бўлган экан-да! Охири у ўқишдан бўш вақтларига қатнаб юриб, бинойидек қўли гул хунармандга айланди. Ҳозир ишонасизми, ўша шўх ва ўйинқароқ болакай ўзи қизиққан соҳа бўйича институтда ўқияпти, қўлида гулдек хунари ҳам бор, топармон-тутармон...

Раҳматли қайнонам доим биз — келинларга: «Бола боқишда, тарбиялашда кўнглини кенг қилинглар. Унинг энг яхши ишончини, суйгани, қадрдони, ишонгани, сирдоши онаси бўлади. Ўғил-қизингизнинг кўнглини сиз тушунмасангиз, ким тушунадиган? Агар уни ўзингиздан бездирсангиз, ё одамови бўлиб қолади ёки дуч келган одам бошлаган йўлга кириб кетади» — дердилар. Бола қалбини бежиз гулга қиёсламайдилар. Бу шундай гулки, меҳр-муҳаббат ҳавосидан нафас олади, чиройли бўлиб очилади. Биз, катталар, дунёни таний бошлаган фарзандларимизга ҳаёт тажрибаларимизнинг энг яхши, ибратли жиҳатларини ўргатишга бурчлимиз. Уларнинг юриш-туриши, гап-сўзлари, муомала-муносабатлари, кийиниши, еб-ичиши — ҳаммасини кузатамиш, маслаҳатлар бераримиз. Худди ана шу жараёнда унутмайликки, бола қалби булоқ суви каби беғубор. Ниҳолнинг танасига тиг тегса, ўша жойи қаттиқ, дағал бўлиб ўсган каби, катталарнинг қўпол, аччиқ, зардали муносабатларидан болажонлар қалби ҳам тошга айланиб боради.

Саодатхон МЕЛИКУЛОВА

Нимқоронги хона. Ўтирганларнинг нигоҳлари қатор тизилган компьютер экранларига қадалган. Сиз ҳам аста бориб компьютерлардан бирининг қаршисига жойлашасиз. Ёнингиздаги қизнинг ўтхотвасиз клавиш уришига асабингиз дош беролмай беихтиёр ўгириласиз. Ҳамсоянгиз исми антика, суратидан ҳам хорижлик экани кўришиб турган йигитча (эхтимол, бўлажак кувёболадир!) билан қизгин ёзишмоқда. Хаёлингизни йигиб олишга улгурмай, орқа ўриндикда ўтирган, кулоқлик тақиб олган ўспириннинг хандон отишидан чўчиб тушасиз. Марҳамат қилиб, эътибор бермайсиз — у хойнаҳой комедия томоша қиляпти. Бу ёнингизда эса яна бир йигит мониторга кўзойнаги остидан синчков боққанча иш тақлиф этувчи сайларга кезаяпти. Атрофни кузатишдан чарчаб, экранингизга қарайсиз: ие, почтангизга иккита янги хат келибди-ку! Қизиқиб уларни оча бошлайсиз, секин-аста сиз ҳам шу муҳитга сингиб кетасиз.

Хаётимизга Интернет кириб келди (балки ҳаёт Интернетга кўчгандир?!). У фақат технология бўлиб қолмай, инсонлар орасидаги мулоқот воситаси ва фаолият турига ҳам айланиб улгурди. Мароқли ҳордик манбаи, янгиликлар макони, қутилмаган қизиқарли танишувлар, хуллас, мазкур беқиёс кашфиёт бугун барча ҳождатларимизни раво қилишга қодир, ҳатто энг инжа кўнгил эҳтиёжларимизни ҳам...

Буни нетомания ҳам дейишади. Бу яна қандай сўз бўлди деб ажабланаётгандирсиз. Ҳали лугатга киритилмаган бўлса-да, уни тушуниш осон: net — инглиз тилида тўр, тармоқ, мания — берилиш, асир бўлиш, қизиқиш маъноларини англатади, лўнда қилиб айтганда, «Интернетга тобе бўлиш», демакдир. «Дунё ўргимчак тўри» кашф этилиши билан пайдо бўлган имкониятлар ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин. Аввалига шунчаки кўнгил ёзиш, ҳордиқ чиқариш воситаси бўлган виртуал мулоқотлар бугунга келиб инсонлар тақдирини ҳал этиш даражасида аҳамият касб эта бошлади. Интернет одамларга реал ҳаётда амалга ошира олмаган яширин орзу-умидларини рўёбга чиқариш имкониятини бераётганига нима дейсиз!?

Сочлари ўрилган, одмигина кийинган мактаб ўқувчиси миттигина «сичқонча» ва клавиатурадан усталик билан фойдаланиб, чатда «Маркиза», «Сирли фаришта» ёки шунга ўхшаш яна бирор антика ник (тахаллус) билан ўзига ишонган соҳибжамол ролини қўйилмақом ижро этаётганини тасаввур қила оласизми? (Унинг баъзи фикрлари, қарашларидан қўлингиз ёқангизга югради) Реал ҳаётда ўзига ишончи анчайин суст, қизлар билан мулоқотга йўқроқ йигит ҳам чатда омадли жентельмен ролини маҳорат билан ўйнаши мумкин.

Ахир Интернет — имкониятларга лиқ тўла виртуал олам. Бу оламда кимлиги, яшаш жойи, қобилияту нуқсонидан қатъи назар, ҳамма баробар. Виртуал кенгликда ҳар ким ўз қиёфасини ўзи яратади —

Сафарга олдиндан пухта тайёрларик кўрган сайёҳдек Интернетга кириш лозим. Муҳлими, «ўримчак тўри»га тушгандан кейин асосий мақсадни унутиб қўймаслик керак.

барчаси маҳорату тахайюлга боғлиқ... Интернет қиз-йигитлар учун танишув маконига айланганига анча бўлди. Netда танишиб, оила қурганлар ҳам кўпайиб қолди. Ҳўш, виртуал оламдаги виртуал муносабатлар воситасида пайдо бўлаётган оилавий иттифоқларнинг илдизи қанчалик чуқур ва бақувват?

Воқеликнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳолисона ўрганишга ҳаракат қилдик. Дастлаб виртуал дунёда танишиб, ҳақиқий ҳаётда ҳам умр йўлларини боғлаган ўзига хос тақдирли, бахтиёр замондошларимизга қулоқ тутамиз. Кей-

МУТАХАССИСЛАР ШАРҲИ:

Васила КАРИМОВА,

«Оила» илмий-амалий марка-

зи директори, психология фанлари доктори, профессор:

— Интернетда танишиб оила қуришни лотерея ўйинига ўхшатаман: ютуқ ё чиқади, ё чиқмайди! Тўғри, виртуал оламда ҳам «яхши қизлар», «яхши йигитлар» кўпдир, аммо фикримча, ўзига ишонган, ақлли йигит-қизлар атайин Интернетга кириб, жуфт қидирмайди. Одатда, характери мураккаб, руҳан йиғик инсонлар виртуал мулоқотга мойил бўлади. Назаримда, бугунги ёшлар дангаса бўлиб қолган. Компьютер қаршисига ўтириб, қуруқ гап-сўзлар билан ўзига ёр танлашнинг замирида ҳам ялқовлик, юзакилик ётибди.

Халқимизда азалдан со-вчилик институти бор. Бу ижтимоий хизмат яқин қариндошлик ришталарини боғлашда катта ўрин тутади. Ёшларга маслаҳатим, ўзларига жуфти ҳалолни ҳаётдан, ўзига яқин ва мос ижтимоий доиралардан қидирсинлар. Реал мулоқотнинг аҳамияти катта, чунки у самимийликка асосланади. Инсоннинг феъл-атвори, фикрлаши, одоб-ахлоқи фақат жонли мулоқотда аниқ намоён бўлади. Виртуал сўхбатларга эса сунъийлик, ёлгон аралашади. Менимча, ёшларни қизиқишлари бўйича бир-

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Қайиғингиз омонат бўлса, уммонда гарқ бўлишингиз ҳеч гапмас — иродангиз, руҳиятингиз бўшлиқ қилса, Интернет аяб ўтирмайди.

лаштирадиган клубларни кўпайтириш керак. Мулоқот доираси кенг, ўзига ҳар томонлама мос сўхбатдошларга эга ёшлар бундай сохта оламга боғланиб қолмайди.

Бўйи етган қизлар тенгқурлари ёки ўзидан кичиклар билан эмас, каттароқ ёшдагилар билан мулоқот қилиши керак. Умр йўлдош танлашда ўзидан ҳар тарафлама юқори савияли инсонни танлашга эътибор бериш зарур. Мустаҳкам оила қуриш, муносабатларни рисоладагидек олиб бориш ҳар икки томондан ҳам масъулият, сабр-тоқат, кези келганда, маҳорат талаб қилади.

Вазира ЮНУСОВА,

«Наврўз» никоҳ уйи директори:

— Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини бирга тодидиган муносиб умр йўлдош танлаш жуда жиддий ва қийин масала. Умр савдосида таваккал қилиб бўлмайди-да. Технология ривожланиши билан компьютер қаршисига ўтириб, ўзига жуфт танлаш ёшлар орасида урфга айланиб қолмоқда. Менимча, ҳамма нарсага табиий бўлгани яхши. Реал ҳаётда кўриб, кузатиб, синаб, ишончи мустаҳкамлаб оила

қуришга нима етсин! Интернет орқали танишиб, ҳақиқий ҳаётда атиги икки-уч марта кўришиб, никоҳдан ўтишга келадиган


ёшлар ҳам учраб туради. Таг-тугини суриштирмай, тасодифан учраган инсоннинг чиройига, бориғ ана, бойлигига учиб оила қуриш, аввало, миллийлигимизга мос эмас. Қолаверса, бундай оиланинг мустаҳкам бўлишига ҳам қафолат йўқ. Уткнчи орзу-хавасларга берилиб, миллият, дини, урф-одати буткул бошқача бўлган хорижликларга турмушга чиқиб кетаётган ўзбек қизларимизнинг ҳаракатини ҳам оқламайман. Мутахассис сифатида виртуал мулоқотни фақат оила қуриш ёшидан ўтганларга маслаҳат берган бўлардим. Негаки, бундай инсонларда танлов имконияти кам.

Гулнора АКМАЛХЎЖАЕВА, психолог:

— «Нетоман»ларнинг айримлари реал ҳаётда ўз ўрнини топишга қўйналган, инсонлар билан мулоқотга киришолмайдиган, орзуларига эриша олмаган ва ўзига ишончи суст одамлар бўлади. Шу боис улар орзулари рўёбини, ўзига муносиб инсонни виртуал кенгликдан қидиради. Интернет орқали мулоқотларда ўзини ҳаёлидаги каби омадли, бадавлат, келишган инсон деб таништиради. Қизиқарли, бир-бирига ўхшамас одамларга, тасодифларга бой виртуал оламнинг бу борада қулайлиги чакана эмас: анонимлик, виртуаллик, реал муносабатларда учрайдиган муаммо ва тўсиқларнинг йўқлиги... Бундай сунъий мулоқотларнинг ижобий жиҳатлари ҳам талайгина: мулоқотлар, агар у ижобий бўлса, шахс ривожига ҳисса қўшади, дунёқарошини кенгайтиради, билимини оширади. Аслида, виртуал муносабатлар реалликка қадар ривожланса, нимадир дейиш мумкин, аммо кўп ҳолларда бу муносабатлар ҳақиқий ҳаётда узоққа бормади. Бунинг сабаби шундаки, йигит ёки қиз ўзи ҳақида ёлгон маълумот беради: сохта чиройли суратлар, жозибали сўзлар, амалга ошириш маҳол бўлган орзу-хаваслар... Кўпинча ҳаётда виртуалликдаги «фазилат»лар фож бўлиб қолади.

Баргида МЎМИНЖОНОВА

Муҳтарам юртдошлар, эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу долзарб мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, марҳамат, биз билан боғланинг, мактуб йўлланг.



«NET»ДА ТУТАШГАН ТАҚДИРЛАР

ёхуд виртуал ҳаёт чегараси

Виртуал оламда жонини садқа қилишга тайёр «жуфт»-ингиз реал ҳаётда сизни қабул қилмаслиги мумкин.

ин эса гал мутахассисларга.

Нозима Ботирова, журналист:

— Университетда ўқиб юрганимда курсдошларимдан чатда ишлани ўргандим. Дарсдан бўш пайтлар бўлган чатлашиб (гаплашиб демоқчи) ўтирдик. Кунларнинг бирида «Максим» никли(яъни, тахаллусли) йигит билан танишиб қолдим, у менга қизиқ саволлар бера бошлади. Мулоқот давомида «Максим» — яъни Жасур ақанинг дўстона муносабати, дунёқароши кенглиги ва ҳазил-кашлиги диққатимни тортиди. Вақти-вақти билан чатлашиб турдик, танишув давомли мулоқотларга улашиб кетди. Кайфиятимни кўтариб, эътиборимни қозона олган бу ҳазилкаш йигит менинг умр йўлдошимга айланиши ўша дамларда ҳаёлимга ҳам келмаган эди. У қилган танишганимизни тақдир деб ўйлайман.

Жасур Ботиров, актрисодчи:

— Онам менга келин излаётганини айтганларида бунга ўзимга қўйиб беришларини сўрадим. Қизларни кузатиб, суриштириб юрдим. Жуфтимни Интернет орқали топганимни тасодиф десам нотўғри бўлар. Виртуал оламда танишиб, оила қурган дўстларимнинг ҳижоқларини эшитиб, менда ҳам шундай ният туғилганди. Уч ярим йил аввал кундалик ишлардан толикиб, одатдагидай чатга кирдим, эътиборимни «Нозиска» никли қиз жалб этди. Нозимахон билан турли мавзу ва соҳаларда мулоқот қилиб зерикмасдим, чет тилларига қизиқиши, жўяли мулоҳазалари, кўп масалаларда фикрларимиз ўхшашлиги маъқул бўлди менга. Бир ярим йиллик учрашувлардан сўнг турмуш қурдик. Ҳозир ёнимда суюкли ёрим ва ширин фарзандим борлиги — энг катта бахтим...



Ҳоҳ Интернетда, ҳоҳ ҳаётда бўлсин, инсонлар ўртасидаги муносабатлар ростиўйликка асосланиши керак. Ёлгондан бошланган ва алдовга асосланган муносабатлар болалар қурган кум уйдек омонат бўлади.

АДНИЯ ФАОЛИЯТИ

**ЙИЛИГА 2,7 МИЛЛИОН ҚУРБОН
улардан бирига айланб қолманг!**

Одам савдоси ҳозирги кунда халқаро миқёсдаги долзарб муаммолардан бирига айланиб кетди. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2,7 миллион инсон ушбу жиноят қурбонига айланади. Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда 2009 йилнинг 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши айни шундай муаммоларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар жаддалашувида туртки бўлди. Ҳозирда маҳалла кўмиталари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари орқали бу борада турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Уларда мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши алоҳида таъкидланмоқда. Бош Қомусимизга мувофиқ, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ушбу ҳуқуқий кафолатларнинг амалда тўла таъминланиши учун мамлакатимизда барча чоралар қўрилмоқда.

Ангрен шаҳар давлат нотариал идораси томонидан ҳам шундай тадбирлар ўтказилиб, ёшларга «Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш», «Одам савдосига қарши курашиш», «Ёшлар орасида гиёҳвандлик иллатлари тарқалишининг олдини олиш» мавзуларида тушунтиришлар берилмоқда. Айтиш жоизки, ёшларни зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан ҳимоялаш, уларнинг ёт гоъяларга берилишининг олдини олиш ва бўш вақтларини фойдали ишларга сарфлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздандир.

Умид НИЁЗОВ,
Ангрен шаҳар давлат нотариуси.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

**ҲАММА БИЛИШИ ШАРТ
БЎЛГАН ҚОИДАЛАР**

Мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган ушбу тадбир доирасида барча ҳудудларда давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари кўпроқ фаоллик кўрсатишмоқда. Бундай тадбирлар асосан аҳоли кўп йиғиладиган маданий муассасалар, истироҳат боғлари, маҳаллалар, уй-жой мулкдорлари ширкатларида ўтказилиб, уларда ёнгин хавфсизлигини таъминлайдиган махсус техникалар, тарғибот материаллари кўргазмалар орқали намойиш этиляпти. Чунки бундай хавфли ҳодисалар кўпинча оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, яъни носоз ва қўлбола электр иситкичлардан фойдаланиш, газ ва электр ағжоллари (телевизор, даэмоп ва ҳоказолар) ни назоратсиз қолдириш, вақтинчалик электр симларидан фойдаланиш, болаларнинг гурут ўйнаши оқибатида келиб чиқаётгани сир эмас.

Фарзандларимиз боғча, мактаб, коллеж ва бошқа ўқув муассасаларида бошқа турли қоидалар билан бирга ёнгин хавфсизлиги бўйича ҳам ўзларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишса, бу ҳақда етарлича кўникмаларга эга бўлиб, тегишли тартибларга қатъий амал қилишса фойдадан холи бўлмаслигини унутмайлик!

К. ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ
КБИБ бошлигининг ёрдамчиси, майор.

ЭНГ ҚУЛАЙ ҲИСОБОТ УСУЛИ СОЛИҚ

Бугунги кунда фаолият юритиш тартибидан қатъи назар, деярли барча идора ва муассасалар, ташкилотлар ўз ҳисоботларини ҳукуматимиз қарорига мувофиқ равишда электрон шаклда тақдим этиши табиий жараён ҳисобланади. Лекин бундан ўн йил аввал солиқ идоралари ходимлари ҳам худди шундай усулда иш юритишини кўпчилик тасаввур этолмасди. Энди эса барча субъектлар учун қулайлик туғдираётган бундай иш юритиш биринчидан, глобал тараккиёт ўзгаришлари маҳсули бўлса, иккинчидан, турли хил расмийлик ва овозгарчиликларга барҳам берди.

Бу борада Яқсарой тумани давлат солиқ инспекцияси жамоаси ҳам ишлаб чиқилган дастур асосида фаолият юритмоқда. Айниқса, ҳисоботларни электрон қуришида тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришда қўлланилаётган махсус «БЭМ — бухгалтерга электрон мадад» дастурининг афзалликларини амалиётда жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунингдек, мазкур усулни янада кенгроқ тарғиб этиш учун туманимиз худудидаги барча юридик субъектлар, яъни солиқ тўловчилар ҳузуринда мутахассислар иштирокида мунтазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Шухрат АРИПОВ,
Тошкент шаҳар Яқсарой тумани ДСИ шўба бошлиғи.

**БОЛАГА ЭНАГА
КЕРАКМИ?**

“Иккинчи курсда ўқиётганимда турмушга чиқдим ва бир йилдан сўнг фарзанд кўрдим. Ҳам ўқиш, ҳам болага қараш қийинчилик туғдиргани учун уйимдагилар билан маслаҳатлашиб, чақалоққа энага ёллашга мажбур бўлдим. Аввалига болам соғлом, дуркунгина ўсаётганди. Энагага берганидан сўнг эса тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Бунинг сабаби нимада?”

Ширин,
Тошкент шаҳри.”

Ушбу саволга Республика “Оила” илмий-амалий маркази катта илмий ходими, психологика фанлари номзоди Одина ОТАЖОНОВА шундай жавоб беради:

— Бола туғилишининг дастлабки онларидан она ва бола ўзаро ҳиссий ва психологик жиҳатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир тан, бир вужуд ҳисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, қўшилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улғайиб, катта бўлгани сари, улар ўртасидаги масофа, психологик яқинлик ортиб бораверади. Чақалоқнинг жисмоний ўсиши ва ривожланиши табиийки, онанинг гамхўрли-

гига бевосита боғлиқ. Бола бир ёшга тўлгунча бўлган давр-новербал мулоқот даври ҳисобланиб, ундаги барча ўзгаришлар онаси ёки яқинлари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатлар натижаси бўлади ва бора-бора муомалага тил ва товушлар билан боғлиқ белгилар кириб кела бошлайди. Онанинг барча саъй-ҳаракатлари бу даврда психик ривожланишининг муваффақиятини белгилайди. Гамхўр она боласининг айни пайтдаги барча эҳтиёжларини ҳам қалбан ҳис этиб, ўша заҳоти эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Масалан, чанқаса сув, оч қолса кўкрак сuti ва шунга ўхшаш ишларни ўз вақтида бажариб боради, яъни унинг талаб-истакларини “бор вужуди билан ҳис этади”. Агар она Ширин синглимизга ўхшаб, бирор бир иш ёки ўқиш билан банд бўлган ҳолда унинг ўрнини энага эгалласа, бу бола руҳиятига қаттиқ таъсир этади. Онасининг ўзидан узоқлашаётганини сезган бола инжик, қайсар бўлиб қолади. Шу сабаб арзимаган касалликларни ҳам энгиб ўтиши қийинлашади. Энага бу руҳий яқинлики бола билан ўрнатиши учун анча тер тўкишига тўғри келади. Чунки она ва бола яхлитлиги фақат она ва болагагина хос ҳиссиётдир.

Н. Раҳмонова

Ҳурматли Шомурод Бердиқулов!

Таваллуд айёминингиз муборак бўлсин! Сиз кўп йиллар давомида физика-математика фанлари соҳасида беракали меҳнат қилган фидоий олимлардан бирисиз. Албатта, сиз бугун бу сермахсул хизматингиз медаларини татияпсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва оилавий бахт тилаймиз. Самимий эҳтиром билан

Дўстларингиз ва қадрдонларингиз
номидан Т. ТОШЕВ



Кафолат ДАСК (ОАЖ) дирекцияси ТВЭФЖМС бўйича қатъий ҳисобда турувчи КФ 0000949, КФ 0178030, КФ 0178033, КФ 0179204, КФ 0179406, КФ 0179525, КФ 0182205, КФ 0182265, КФ 0182460, КФ 0182470, КФ 0182494, КФ 0184501, КФ 0184791, КФ 0184827, КФ 0184828, КФ 0184829, КФ 0184830 рақамли полислар ва махсус давлат белгилари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги Тошкент радио техника коллежи талабаси Эргашев Нуриддинга берилган №108 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КЎРСАТКИЧ 32 ФОИЗ БЎЛСА...

Замонамиз технологияси шу қадар жадал ривожланиб бораётгани, тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳар бир мутахассисдан тинимсиз изланиш лозимлигини талаб этаётяпти. Шу боис бундан уч ой илгари сентябрь ойида Сеулда ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган «Бутун дунё шифокорларнинг конгресси» бўлиб ўтди. Унда тиббиётдаги энг муҳим, долзарб масалалари етук мутахассислар иштирокида муҳокама этилиб ва янгиликлар эътироф қилинди. Ушбу конгрессда «Бирлашган шифокорлар ташкилоти» янги ҳужжат қабул қилди. Унда таъкидланганидек, тиббиёт, шу жумладан, урология соҳасида янги йўналиш бўйича ишлаш тартиблари амалиётга татбиқ этилди.

Масалан: янги технология ҳақида гапирадиган бўлсак, авваллари эркаклар уруғини текшириш юзасидан турли тестлар ўтказиларди. Ҳозир эса бу жараённи янада мукамаллаштириб берувчи аппарат ишлаб чиқарилган. Бу технология бўйича агар уруғининг фаоллиги 32 фоизни кўрсатса, ўрта ҳисобда 15 миллионга уруғ бўлса, бу меъёрий кўрсаткич ҳисобланади.

Илгари аёлда ҳомила бўлмаса, аксарият келин-куёвлар ўзларида «Торч» инфекцияси борлиги учун фарзанд бўлмапти деб билишган. Бу ҳақда шифокор ҳам уларни оғохлантирган бўлиши мумкин. Ҳозирги янги усул асосида аниқлайдиган бўлсак, ўша вақтдаги бепуштлиқнинг сабаби эркакнинг уруғи кам миқдорда бўлса ҳам текширув натижалари аниқ чиқмаган. Шифокорлар фақатгина организмдаги «Торч» инфекциясини даволаш билан натижага эришиш мумкин деб, дори-дармон ёзиб бераверилган. Эркак уруғини текширишда эса эркак туҳмудонидан кесиб олиб текшириш афзал саналган. Лекин бу йўлнинг фойдасидан кўра зарари кўп бўлганлиги энди аниқланди. Чунки туҳмудон кесилгандан кейин унинг фаолияти сусайган. Ҳатто аввалгидан ҳам ёмонлашган. Масалан, биз бугун замонавий аппаратлар ёрдамида мутлақо тифсиз уруғ кўрсаткичларини аниқлашимиз мумкин. Ишонмасангиз, марҳамат, клиникамизга мурожаат этинг!

Бу борада бизнинг “DOCTOR-D” ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).
E-mail: hospital@doctord.uz
URL: http://www.doctord.uz
Хизматлар лицензияланган
лицензия рақами № ПЮ-2876.

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

- | | |
|---|--|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинада вишивка). |
| Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой. | Тўкувчилик — 2 ой. |
| Ҳамшира — 6 ой. 4 ой ўқиш. | Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. |
| Ҳамшира (тезкор) — 3 ой. | Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нуқталар — 1 ой. | Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Сувий гул ясаш — 1-2 ой. |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой. |
| Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой. | — 1 ой. |
| Аёллар сартарошлиғи — 3 ой. | Арабча ва миллий рақс — 3 ой. |
| Педикюр, маникюр — 1 ой. | Барчаси амалиёт билан |
| Сартарошлик — 3 ой. | Ётоқхона мавжуд. |
| Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой. | |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. | |

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.

Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),

(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

ХАЙР АРМОН, САЛОМ БАХТ!

БИРИНЧИ МАКТУБ

БОЛА АСРАБ ОЛГАНДИК...

Сафура исмли аёл шундай ёзади: «Ёшим қирққа яқинлашиб қолди. Айримларга ибрат бўлар, деган ниятда ўтмишим ҳақида сўзламоқдаман. Эрим икковимиз пойтахт дорулфунунида ўқиб юрган пайтларимиз турмуш кўрдик. Аммо йиллар ўтса-да, тирноққа зор яшадик. Шу тарзда тўққиз йилга яқин умр кечирсак-да, эр-хотин бир-биримиздан бешиш ўрнига, тобора яқинлашиб борардик...

Шундай кунларнинг бирида бошимга мусибат тушди. Уч фарзанднинг отаси бўлган ўртанча акам, келиноним ва кичик жиянчам автоҳалокат туфайли бевақт ҳаётдан кўз юмишди. Азада ота-онам, жигарлар фарёди бир томон, «аяжоним» дея онасини қидирган жияним Шохистанинг бўлаши бир томон бўлди. Акамнинг беш ёшли тўнғич ўғли Аслиддин бироздан сўнг тенгдошлари билан ўйнаб кетди. Бўйнимдан маҳкам қучганча уйқуга кетган Шохиста жиянчам эса тинмай босинқирарди. Тонга яқин бироз кўзим илинган экан, акам тушимга кириб: «Шохиста, қизимни сенга топширдим», дея кўздан ғойиб бўлди. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмадим. Уйимга қайтгандан кейин ҳам бу тушни яна кўрдим.

Эртасига уйимизга бордим. Остонадаёқ Шохиста югуриб чиқиб, бўйнимга осилди, бир «аммажоним», бир «аяжоним», дея қулдираб ҳамма ни йиғлатди. Онам ичкарига имлаб: «Шохиста сеникида туратурсин, ҳеч кимга кўнмаяпти», — деди.

Хуллас, Шохистани фарзанд қилиб олдик. Бахтиёр яшай бошладик. Қарангки, қизимизнинг қадами кутлуг келиб, орадан эрим йил ўтар-ўтмас, ҳомиладор эканимни сезиб қолдим. Ҳозир икки фарзанд — қизим ва ўғлимни камолга етказмоқдаман.

Бошимдан ўтганларини қанча қисматдош ёш оилаларга сўзлаб беришимга тўғри келди. Қарангки, биз каби фарзанд сақлаб олиб, ўзлари ҳам ували-жували

бўлганлар талайгина экан. Менимча, тиббий текширувда соғлом деб топилган бефарзанд жуфтлар шу йўлни ихтиёр этсалар, яхши бўларди».

ИККИНЧИ МАКТУБ

БУНДА ҚАНДАЙ СИР БОР?

«Эрим билан севишиб турмуш кўрганмиз. Деярли тўрт йил фарзандли бўлмаганимиздан сўнг қайнонам ўтасам ўпоқ, турсам сўпоқ дея бошлади. Аммо эрим мени еру қўкка ишонмас, ажралишни хаёлига ҳам келтирмасди. Қайним уйлангач, эримдан хафа бўлган онаси бизни алоҳида уйга кўчириб юборди. Биз кўп қаватли уйнинг бетон деворлари ичи-



да ўзимизни анча эркин ҳис қила бошладик. Қарангки, кўчиб келганимизга уч ой ўтмасдан ҳомиладор бўлганлигимни сезиб қолдим. Ҳозирги кунда, уч фарзандим бор. Демак, фарзандсиз одамлар кексаларнинг «жой ўзгартириш» ҳақидаги ўғитлари ҳам кўп келар экан.

НАФИСА*

ИЗОҲ:

Замирахон Шарипова, Наманган вилояти Поп тумани марказий шифохонаси турғуқона бўлими мудири, олий тоифали акушер-гинеколог:

— Сабаби ноаниқ ёки нисбий бепуштлиқ ҳар юз фарзандталаб оиланинг тўрт-бештасида учрайди. Шифокорлар бу тахисни қўйишда бежиз эҳтиёткорлик

қилишмайди. Чунки чуқур текширувлар ўтказилганда, бундай оилаларнинг тонзиллит (томоқ муртаги яллиғланиши), стоматит (оғиз бўшлиғи яллиғланиши) ва бошқа турли вирусли касалликларга мойиллиги аниқланган. Аксарият бефарзандлар ўртасида ўтказилган суриштирувларда уларнинг қариндошлари орасида бепуштлиқ, қандли диабет, ўсма касалликлари ва ҳомила тушиб қолиши тез-тез учраб туриши маълум бўлади. Улар орасида «нисбий бепуштлиқ»ка чалинганлар сони аслида анча кам. Бундайларнинг бир қисмидаги иммунтанкислик ёхуд секретция безлари касалликларига мойиллик мавжудлигининг ўзи ҳам репродуктив фаолиятга зимдан салбий таъсир эттиши кузатилган.

Аниқланишича, бефарзандларнинг 64 фоизи сурункали стресс, яъни асаблари тараф ҳолатда юришади. Уларда ҳадик-сираш, асабийлашиш, йиғлоқлик, одамови бўлиб қолиш каби ҳолатлар намо-

ён бўлади. Сурункали стресс нафақат руҳий-эмоционал ҳолатга, балки ички секретция безлари фаолиятига ҳам салбий таъсир этиб, пушт учун зарур гормонлар ишлаб чиқиш жараёнига путур етказиши.

Шунинг учун ҳам моҳияти маълу бепуштлиқ гумон қилинган оилаларга гоҳида юқоридаги воқеадаги каби йўл тутиш тавсия қилинади. Дарҳақиқат, айрим оилалар фарзанд асраб олгач, ўзлари ҳам ували-жували бўлиб кетишади. Бу ҳолат тиббий нуқтаи назардан қуйидагича изоҳланади: доимо изтироблар қомида яшайётган эр-хотин оилада бола пайдо бўлгандан сўнг сиқик кайфияту атрофдаги гап-сўзлардан қутуладилар. Натижанда, аста-секинлик билан руҳий ҳолат ўз маромига келиб, ички секретор безлар фаолияти яхшилана боради. Бу эса уларнинг репродуктив саломатлиги тикланиб, чинакам ота-оналик бахтига эришишларига олиб келади. Демак, энг муҳими умидни сўндирмаслик.

ГАРОЙИБ «ҲОМИЛАДОРЛИК»

— Ёшим 26 да. Уй бекасиман. Эрим билан турмуш кўрганимизга етти йил бўлди, аммо ханузгача гўдак йиғисига маҳталмиз. Яқинда даволандим, шифо топишимга имоним қомил эди. Шу сабаблим, икки ой ўтар-ўтмас ҳайз кўришдан тўхтадим. Қўнғлим айниб, бот-бот қайт қилгим келиб қийналсам-да, қувончим олам-жаҳон эди. Қарангки, бир неча ой ўтар-ўтмас тўлишиб, қорним ҳам дўппайиб қолгандек эди, назаримда. Ҳаммамиз бўлгуси фарзандни умид билан кута бошладик. Эрим туғилахак «ўғил»га, мен эса «қизалоқ»ка исм излаб овора эдик. «Ҳомиладор»лигимга деярли тўрт ойдан ошганда, аёллар маслаҳатхонасига йўл олдик. Мени кўриқдан ўтказган гинеколог бошини чайқаб, ультратовуш текширувига юборди. Не ажаб-ки, иккала дўктир ҳам менинг умуман ҳомиладор эмаслигимни айтишди. Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Уйим мусибатхонага айланди. Қўнғлимнинг бир четида япроқ мисол титраб турган умид яна ой кўрганимдан сўнг мутлоқ узилди...

Тиббиётда бу ҳол қандай аталади?

НАСИБА

Ушбу ҳолатни олий тоифали акушер-гинеколог Мухлиса АТАМАТОВА шундай шарҳлайди:

— Дарҳақиқат, «сохта ҳомиладорлик» деган тиббий атама билан номланувчи бундай ҳолат ҳаётда учраб туради. Хусусан, табиатан неврозга мойил, таъсирчан аёлларда бу ҳол кўп учрайди. Фарзанд кўришни астойдил истовчи бундай аёлларда ҳайз тўхташи билан бирга «токсикоз» аломатлари — кўнғил айниши, қайт қилиш ҳам рўй беради. Шунингдек, қорин дўппайиши, семириш ҳам кузатилиши мумкин. Бундай аёлларда гонодотроп гормонлар ишлаб чиқарилиши ортиб, сариқ тана пайдо бўлади. Шу боис ҳомиладорлики аниқловчи тестлар ҳам ижобий (тасдиқ) натижа бериши мумкин.

«Оила ва жамият» муҳбири Шахло ТОШБЕКОВА тайёрлади.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТЕКИН ДЎКОНГА ЎҒРИ ТУШДИ

Канаданинг Эдмонтон шаҳрида икки киши магазинга кириб, шундоғам текин бериладиган маҳсулотларни ўғирлаб кетди, деб хабар беради «CBC News».

Воқеа бир неча кун илгари дўкон ишчилари йўқлигида содир бўлган. Ўғриларни жиноят устига тасодифан келиб қолган магазин эгаларидан бири Брэндон Тайсон қўлга туширган. У дўконга келиб, ичкарида юрган икки маст одамга кўзи тушади. Улар деразалардан бирини синдириб, магазинга бостириб кирганди. Тайсоннинг айтишича, ўғрилар уни кўриб қолиб, қочишга тушган, аммо у «кутилмаган меҳмон»лардан бирига етиб олган ва маҳаллий полицияга хабар берган.

— Магазинимизга ўғри тушиши етти уҳлаб тушимизга кирмаган. Ахир, улар иш вақтида келишса, хоҳлаган нарсаларини текинга олишлари мумкин эди-да! — дейди вазиятнинг қанчалик қулғиллигини изоҳлаб Брэндон Тайсон.

Текин маҳсулотлар магазини Эдмонтонда шу йили очилган. Бу ерга аҳоли кераксиз нарсаларини ташлаб кетади ва, албатта, хизмат ҳақи учун икки доллар тўлайди. Топширилган буюм кимга керак бўлса олиб кетаверади.

КИЛИМАНЖАРО БАЛАНДЛИК ҚИЛДИ

Машҳур теннисчи Мартина Навратилова-нини Климанжарони забт этишга уринишлари шифохонада яқун топди.

Кенияда даволанган теннисчи тоғда ўзини ёмон ҳис этмаганини, фақат нафас олишга қийналганини айтди. 4 500 метрга чикқан спортчига шифокори орта қайтиши шартлигини ўқирганда у аввалига унамаган, аммо аҳоли оғирлашган, саёхатига нуқта қўйишга мажбур бўлган.



Мартина Навратилова чўққини забт этиш учун тайёргарлик машғулотларини АКШдаги «Bank of America» биноси зиналарида олиб борганди. Теннисчи Африканнинг энг юксак чўққиси забтига чоғлангандаёқ берган интервьюсида «Жуда хаяжонлана-яман. Чунки Климанжарога етиб боролмасам, буни бутун дунё эшитади», деганди.

СИРЛАР ФОШ БЎЛАЖАК...

Кейинги пайтларда сирли маълумот ва хужжатларни эълон қилиб, дунё афкори оммаси эътиборини жалб этиб келётган «WikiLeaks» сайтининг «ука»си Индонезияда ҳам фаолият бошлади.

Ижодкорлари номаълум «Indoleaks»да эълон қилинган мақолада ҳар ким ҳақиқатни билишга ҳаққи борлиги, сайт мана шу сабабли очилгани баён этилган. Ҳозиргача Индонезия билан боғлиқ 13 та материал эълон қилган интернет манбасига 500 минг киши кирган.

1965 йилдаги исён ҳақидаги маълумотлар, Шарқий Тимордаги кўзғолон пайтида АКШ элчисининг ўз мамлакатига жўнатган ҳисоботлари, Индонезияга 32 йил раҳбарлик қилган Сухарто-нинг АКШ президенти Жералд Форд билан 1975 йили «Camp David»даги суҳбати баёни сайтининг дастлабки материаллари бўлди.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

УЯЛИ ТЕЛЕФОН БАШОРАТИ

Яқинда бир гуруҳ экспертлар, «1928 йилда амалга оширилган ҳужжатли киносёмкаларга уяли телефонда гаплашаётган аёл қаердан тушиб қолиши мумкин?» деган савол атрофида «ган-тиб» қолишди. Бу сирли тасвир тушиб қолган киноплёнка Чарли Чаплиннинг «Цирк» номли ретро фильмининг коллекцион нашрига бонус сифатида киритилган эди.

1928 йилда Лос-Анжелесдаги хитойликларнинг таниқли Манна Театри атрофида «Цирк» фильмининг премьераси намойиш этилган ва бир вақтнинг ўзида ушбу фильм ҳақида ҳужжатли кинокадрлар суратга олинган. «Кадрда сёмка майдонидан ўтаётган бир анойи хоним қўлидаги галати ускунани кулоғи атрофида тутиб, қўллари билан алланималарни ишора қиларди, жилмаяр ва замонавий одам уяли телефонда гаплашганда ўзини қандай тутса, худди шундай тарзда гапириб борарди», деб ёзади world.ru сайти.

Кадрлар тарихий ҳужжат сифатида сақлаб қолинган. Аммо шу вақтгача, ҳеч ким бу кинокадрларни синчилаб кўздан кечирмаган ёки жиддий эътибор қаратмаган. Ҳужжатшунос-режиссёр Жорж Кларк ушбу галати манзарани илғаб қолади ва жумбоқли кадрга аниқ киришти мақсадида, уни бир йил давомида синчилаб ўрганади. Аммо ҳадеганда бу жумбоққа ечим тополмайди. Кларк ҳатто, «бу саёхатчи аёл даврлар билан сўзлашувчи афсунгар бўлса керак», деган мужжал назарини ҳам илгари суриб кўрди.

Энг қўлай уяли телефонларнинг илк намунаси 1973 йилга келибгина Motorola компанияси инженери Мартин Купер томонидан ишлаб чиқилган ва унинг ўзи уяли телефон орқали илк кўнғироқни амалга оширган. Мартин кўнғироқ қилган, ўша вақтда энг замонавий ҳисобланган уяли телефон Dupa-Тас деб номланиб, ҳажми 225x125x375 мм, оғирлиги эса 1,15 килограммдан кам бўлган. Эски кинокадрдаги аёлнинг қўлидаги аппарат эса ҳажм жиҳатидан бугунги замонавий уяли телефон аппаратларини эслатади.

Нима ҳам дердик, ҳаётда не бир мўъжизалар рўй бермайди. Өхтимол, аёлнинг қўлидаги асбоб уяли телефон эмасдир, аммо у ўзининг галати ҳаракатлари, имо-ишоралари билан келажак тараққиётини башорат қилган бўлса ажабмас.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

ОТЛАР ҲАМ БЎЛГАН ВОҚЕА ЙИҒЛАЙДИ



Иброҳим бобо етим ўсгани сабабли, отларга бошқача меҳр қўйган эди. Ўзи эшак миниб оғир юкларни таширди. Отни эса фарзандларидай яхши кўрарди.

Кунларнинг бирида қизи Хосият ёнига эркаланиб келди: да:

— Ота, хайвонлар ҳам йиғлайдими-а? — деди.

Унинг бу гапидан ғалати бўлган бобо: — Нега бундай дейсан?! — дея сўради.

— Бир куни, Фарида бор-ку, Сайпи бувани қизи, менга: «Отларнинг ҳеч йиғлаганими?» деб сўради.

— Эҳ, қизим, отда ҳам одамдагидек юрак, кўнгил бор, забони йўқ, холос. Аммо отларни ҳеч йиғлагулик қилмасин...

Орадан анча йиллар ўтди. Бобонинг белидан қувват, кўзидан нур кетиб, сочларга оқ оралади. У эккан кўчатлар бўй чўзиб, ҳосилга кирди. Аммо сўнгги пайтларда Иброҳим бобо тез-тез бетоб бўлиб қоларди. Шаҳарнинг бир неча касалхоналарида ётиб даволанди.

Бир куни юрак шифокори Хосиятни чақир, гапни узокдан бошлади:

— Синглим, биз отахонни қўлимиздан келгунча даволадик, бу ёғи кексалик, қолверса, дарди оғирроқ, энди уйга олиб кетинглар.

Хосият опа шифокор қабулидан чиққунча ўзини тутиб турди, сўнг хўнграб йиғлаб юборди. Ҳовлида тоза ҳавода юриб, ўзини босиб олди, кўз ёшларини артди. Сўнг қувноқ чехра билан отаси-

нинг хонасига кириб борди.

— Отажон, дўхтирлар ахволингиз анча яхши бўлиб қолганини айтди. Энди сизни уйга олиб кетсак ҳам бўлар экан.

Иброҳим бобони гапчилиги сезди. Аммо билмаганга олиб:

— Қани бўлмаса, кетдик, қизим! Сени менга ўғил қилиб берса бўларди худойим, — дея ўрнидан туриб, йўлга отланди. Манзилга етгунча ҳам ўртага но-

қулай сукунат чўкмаслиги учун яхши-яхши гаплардан гапириб борди:

— Биладан, қизим, сенга ҳалиги дўхтир нима деганини. Тезроқ уйга борайлик, отларимни жудаям соғиниб кетдим. Бу каталакдек томда соғ одам ҳам нафаси қисилиб, ўлиб қолиши ҳеч гап эмас...

Шифокор айтган ўша бир йиллик муддат ҳам шиддат билан ўтиб борарди. Иброҳим бобонинг дарди бир кун келиб хуруж қилиб қолишини Балихон момо ҳам биларди. Кун санаб яшаш қандай оғир.

Бобо ўз уйида ухлаб ётарди. Балихон момо чолини уйғотмоқчи бўлди:

— Чол, ҳай, чол! Тонг ҳам отди. Туринг энди, қаранг, баҳор ҳавоси қандай яхши!

Унинг гаплари жавобсиз қолди. Бундан безовталган момо бобонинг ёнига келиб секингина турди.

— Чол... Ҳай, чол, дейман. Туринг...

Отхонадаги қорабайир ҳам безовталаниб ер тепина бошлади. У жиловини узмоқчи бўлар, кишнаб ўзини ҳар томонга ташлар эди. Йирик-йирик қол-қора кўзларидан шашқатор ёшлар тинимсиз оқарди. Буни кўрган Хосият янада уввос тортиб йиғлади, қорабайирга меҳри товланиб кетди. Қачонлардир гўрлигига бориб отнинг кўз ёшларини кўришни оруз қилганини эслади.

Ха, от ҳам йиғлар экан, уларда ҳам юрак бор, кўнгил бор экан...

Асрорбек ГАДОВЕВ,
Қарши шаҳри.

Аёлни нафосат рамзи дейишади. Аммо Ш.Нурулҳак, С.Мухамедова, Х.Турсунова, Ш.Убайходжаева, Н.Бўриходжаева ҳамда М.Ергешовалардан иборат аёллар "ансамбл"и фойдали меҳнат қилиш ўрнига жиноий гуруҳ тузиб, ўз манфаатини кўзлаган ҳолда, ноқонуний даромад олиш йўлида валюта қимматликларини олиб сотиш билан шугулланган. Нафақат шугулланган, балки шериклари, таниш-билишларини ҳам шерик қилиб, уюшган жиноятчилик содир этишган.

Гуруҳ аъзолари давомли равишда олдиндан режа тузган ҳолда банк муассасаларидан валюта қимматликларини давлат нархида олиб, қора бозорда сотиш билан шугулланишгани аён бўлди. Улар ўз жиноятларига банк ходимларини ҳам жалб этишгани эса ачинарли ҳолдир.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

валюта олди-сотдисига қарши рейд уюштирилган департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари оқордидаги жиноий гуруҳнинг барча кирдикорларини назоратга олишган эди.

Режага кўра ёлланма ишчилар Н.Бўриходжаева ҳамда М.Ергешоваларнинг гали келди. Уларнинг ҳар бири гуруҳ раҳбарлари Ш.Нурулҳак томонидан берилган 3.100.000 сўмини қўлига олиб, шохобча ёнида ўз наватбарлини кутиб туришарди. Вақт келди. Ёлланма ишчилар ўзбек пулини 2000 дан жами 4000 АҚШ долларига алмаштирди. Аммо улар шохобчадан чиқиб кета олишмади. Тезкор ходимларимиз ўз вақтида қонун бузилишининг олдини олишди. Шу ернинг

ВАЛЮТАЧИ АЁЛЛАР

Бу жиноий гуруҳнинг наватбардаги ови эса пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги Асака банкига қарашли валюта айирбошлаш шохобчасига қаратилди. Қонунбузарликда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига эга бўлгани учун иш тақсимотида кўра, С.Мухамедова ва терговда шахси аниқланмаган Қодирбек исми шахслар уюшган гуруҳ раҳбари Шохидан Нурулҳак ва М.Фозиловаларнинг топширигига кўра, ўз фуқаролик паспортига доллар олиб берувчи содда ва муҳтож шахсларни топиб, уларни маълум ҳақ эвазига валюта айирбошлаш шохобчасидан АҚШ долларини олиб беришга кўндиришган.

Ш.Нурулҳак ва М.Фозиловалар эса валюта айирбошлаш шохобчаси ёнида сунъий равишда наватбар ҳосил қилиб, гуруҳ аъзолари С.Мухамедова ва Қодирбек олиб келган фуқароларнинг паспортлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилар, нусха кўчириб, пул тақсимлар эди.

Жиноий гуруҳнинг наватбардаги "операция"си Шайхонтохур туманида жойлашган Асака банкнинг Шайхонтохур филиалига қарашли валюта айирбошлаш шохобчасида ташкил қилинди. Ҳамма ўз ўрнида: С.Мухамедова ва Қодирбек фуқароларни паспорти билан ишга жалб қилиш билан, Ш.Нурулҳак эса шохобча ёнига "бегона"ларни яқинлаштирмаслик билан банд. Мақсадга эришиш йўлида сунъий жанжал уюштириб, тўполон қилишдан ҳам тоймайдиган қонунбузарлар яқинда уларни нималар кутаётганидан беҳабар эдилар. Шу куни ноқонуний



ўзидаёқ валютачи аёл томонидан таклиф этилган 12 000 сўм эвазига шохобчадан доллар олиб беришга рози бўлган Н.Бўриходжаева ҳамда М.Ергешовалар айбларига иқдор бўлишди. Худди шундай ҳаракат Х.Турсунова, Ш.Убайходжаевалар ёрдамида бошқа бир валюта айирбошлаш шохобчасида амалга оширилди.

Қилмиш-қидирмиш дейишади. Аёл боши билан ноқонуний валюта савдосига бошчилик қилган ҳамда бир неча кишиларни ана шу нопок ишга жалб қилган қонунбузарлар одил суд олдида жавоб беришди. Ўзи билиб-билмай уюшган жиноятчиларга қўшилиб қолган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам тегишли тартибда жазо олишди.

Жамшид ТҲҲТАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Бошқармаси ВОЖАБЗОО бўлими катта инспектори

«Дастлаб Ботир билан хат орқали танишганмиз. Бир куни ўқув юртимизда таҳсил оладиган синглимиз Раъно унинг суратини менга кўрсатгани ётоқхонамга олиб келди. У тасаввур қилганнидан ҳам хушсурут, истарали йиғит экан. Учрашишга рози бўлдим. Сирларимни ҳамхонам Гулнорага айттардим. Бир куни Ботирнинг расмини унга кўрсатсам, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Кейин билсам...у орқаворотдан ўша йиғитни қаттиқ яхши кўраркан.

Такдир экан-да, эрта баҳорда тўйимиз бўлди. Дугонам араблар тўйимизга келмади. Қайнона-қайнотам битта қизимиз иккита бўлди деб мендан бор меҳрини аямасди. Эрим хушмуомала, топарман-тутарман, қили очик, оқ кўнгил инсон эди. Афсуски, ўртаимизда фарзанд бўлавермади ва ниҳоят шифокорлар менинг она бўлмаслигимни айтишди. Эрим мендан ажралшини умуман истамасди. Охири унинг бу дунёдан тирноққа зор ўтмаслиги учун ўзим уйдан бош олиб кетдим. Баъзан сиқиламан ва бечора дугонамининг қарғишига қолдимми деб қуюнаман ҳам.



Начора, пешонамда бор экан-да шундай кўргулик. **Ёшим 41** да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Фарзандли, касби тайин, иймонли инсон учраса, турмушга чиқиб ниятидаман.

АЗИЗА,
Тошкент шаҳри».

«Манзура билан Тошкентда математика фани бўйича ўтказилган олимпиадада бирга қатнашгандик. Мактабни тутатгач, у тиббиёт, мен эса кишлоқ хўжалиқ институтига ўқишга кирдим. Унинг дугонасига яқин ўртоғим уйлангач, бизлар ҳам тез-тез учрашиб турардик. Ота-онамининг ёлғиз ўғли бўлганим учун 2-курсга ўтишим биланоқ мени уйлантириш тараддудига тушиб қолдишди. Манзурадан бошқасига уйланишимни тасаввур қилолармиким. Дастлаб уйимиздагилар қиз ўғай онанинг қўлида тарбия кўрган экан, деб рози бўлмади. Охири отам мени тушунди ва

севганимга уйландим. У келин бўлиб тушган, уй юмушларини жой-жойига қўйиши, хушмуомаласи билан онамининг меҳрини қозонди. Кетма-кет уч нафар фарзанд кўрдик. Дунёда бизлардан-да бахтли инсонлар йўқ эди. Эндигина катта ўғлимизни уйлантиргандик. Кутилмаганда у бедаво дардга чалиниб қолди. Уч йил давомида уни кўрсатмаган дўхтиру табиблар қолмади. Наилож, умри қисқа экан раҳматлигинг.

Шундан сўнг иккинчи ўғлимни ҳам уйлантирдим. Қизимни онаси ораси қилгандай яхши жойга узатиш ниятидаман. **Ёшим 50** да. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қиламан. 45 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, оқ кўнгил, бефарзанд ёки битта қизи бор аёл чикса, уйланоқчиман.

САНЖАР,
Тошкент».

қолдириб холасиникига тўйга кетди. Пешинда эса унинг автохалокатга учрагани ҳақида шум хабар келди. Касалхонага етиб борганимда минг афсуски, жони узилган экан. Ўғилларимни бағримга босиб, дод деб йиғлаб қолвердим.

Орадан тўрт йил ўтгач, онамининг маслаҳати билан тахририятга мурожаат қилсам, бир қизчаси билан бева қолган жувонининг телефон рақамини беришди. Шундан кейин иккимиз учрашдик. Яқинларимизга ҳам маълум бўлиб, турмуш қурдик. Адолат меҳрибон, болажон, уйимизнинг фариштаси. Шундай аёлни, бахтимни қайта топганим учун сизлардан бир умр миннатдорман.

ИСЛОМ,
Самарқанд вилояти».

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Гулмиранинг кўзлари ёруғ оламни кўриш бахтидан бенасиб. Аммо бардоши метин бу қиз ҳаётда ўз ўрнини топишга уринади. У утган йили институтнинг математика факультетини тугатди. Нимайки отуққа эришавтган бўлса, буларнинг барчасида меҳрибон онажонисининг хиссаси, меҳнати борлигини қалбдан ҳис этади.

Иккунда иштиёқдан муҳлисамизнинг куйидаги қораламалари ҳам ўзининг меҳрибон ва мушфик волидаи муҳтарамаси ҳақида.

Одатда, уйдаги муҳит ҳақида гап кетса, кўпчилик оталарни оила устунидеб айтади. Мен эса онамни ана шундай макомга муносиб дегим келади. Чунки мен учун бу дунёда онамдан меҳрибонроқ, фидойи, суянгувчи инсон йўқ.

Қарангки, ҳеч бир одам фарзандига онасидай жонкуяр бўлолмас экан. Ўзимнинг волидамдан қиёс, у киши рўзгоримизни ёлғиз ўзлари тевратлади. Ҳа, қисмат деганлари уларни кўп бора синовдан ўтказди. Аммо улар баъзи аёллар каби ўзини чорасиз деб ҳис қилмади. Ҳар қандай қийин вазиятларда ҳам сабр-тоқатига, ақл-идроқига, кучига таянди, ўзига нисбатан ишончини йўқотмади. Ғурурни, ориятни биринчи ўринга қўйди ҳамisha.


Онам аввалроқ пахта заводидеб оддий ишчи бўлиб ишлаганлари, бирор мартаям чарчадим, толиқдим демаган-

✓ МЕНИНГ ОНАМ ҲАММАДАН ЯХШИ

ҚАРЗИМНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТАРАЙ?

лари, эртаси кунни ҳам яна ўзини меҳнат кучоғига отганларини эсласам, волидамнинг нақадар жасоратли, қаноатли аёл эканига амин бўламан.

Мана, олти йил бўлди, онам «Дамас» автомашинасини бошқаради. Қан-



чалаб одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб, ҳалол пешона тери тўкиб, бизларни воғга етказаяпти. Биаламан, ҳайдовчилик аёл кишининг иши эмас. Лекин ҳаёт аталмиш ташвишлар ҳамisha ҳам кўнглимизга қарайвермайди-да. Қолаверса, тирикчиликнинг айби йўқ, тўғрими?

Онам фарзандларининг ҳеч кимдан

кам бўлмасликлари, имкони борича ўзлари етолмаган орзуларига бизнинг этмоғимизни чин дилдан орзу қилади. Оилада, айниқса, мен — 1-ғуруҳ ноғирони бўлганим учун уларнинг кўмағига муҳтожман. Онам мана шу машаққатли касб ортдан укамга суннат тўйи қилдилар. 2006 йили менга олий даргоҳда таҳсил олишим учун шароит яратиб бердилар. Бу яхшиликлари учун улардан бир умр миннатдорман ва қарздорман.

Аёл жаннатларга ярашади, деган ҳикматни эшитгандим. Волидам ана шу баҳога юз, балки миңг қарра муносиб десам янглишмайман ва туну кун Яратгандан савобли ишларига ажру муқофот ато этишини сўрайман.

Яқинда эса онаизоримнинг таваллуд кунини кўнглимдан кечган бу ўйларни сеvimли газетам орқали волидамга совға бўлар деб қозоғга туширдим. Ниятим, бизнинг бахтимизга ҳамisha омон бўлсин, юзидеб табассум порлаган кун биз учун чинакам байрамдир.

Гулмира ЖўРАЕВА,
Фаргона вилояти Кўқон шаҳри.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

— Ҳа, албатта. Ҳар бир инсон мустақил равишда касб танлаш ҳуқуқига эга. Ҳар ким сеvimли иши билан шуғуллансагина давлатига, халқига фойда келтиради. «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенцияда аёллар эркаклар билан бир қаторда ўз ҳуқуқларини халқаро миқёсда намоён этишлари мумкинлиги таъкидланган.

Бугунги кунда БМТ га аъзо 192 та давлатдан 19 таси аёллар томонидан бошқарилмоқда. Ҳозирда дунёда уч қиролича (Буюк Британия, Дания ва Нидерландия), саккиз президент (Ирландия, Финляндия, Филиппин, Либерия, Чили, Швейцария, Ҳиндистон, Босния, Герцоговина), уч бош вазир (Янги Зеландия, Мозамбик, Антилл ороллари), уч генерал-губернатор (Сент-Люсия, Канада, Антигуа ва Барбуда), шунингдек, Реюньон Генерал Кенгаши раиси, Германия Федерал канцлери, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери аёл жинсига мансуб.

Ўзбекистон аёллари куйидаги ҳол-

ларда мамлакатимизни халқаро миқёсда намоён этади:

- элчи сифатида,
- сенатор, депутат ва парламент кўмиталари раҳбарлари сифатида,
- ҳуқуқат, вазирликлар, идоралар ва ҳоказоларнинг вакили сифатида,

— халқаро ташкилотлар фаолиятида ва турли халқаро анжуманларда иштирок этувчи қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг раҳбар органлари вакили сифатида,

— Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ходими сифатида,

— Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция ва савдо вазирлиги ва бошқа ташқи иқтисодий идоралар тизими ходими, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбари ва ҳоказолар сифатида.

(«Хотин-қизлар ҳуқуқлари саволлар ва жавобларда» кўлланмасидан фойдаланилди.)

✓ САВОЛ-ЖАВОБ

— Учта қизим бор. Кейингисига ўғил кўраимиз деб умид қиламан. Лекин рафиқам ёш бўлса-да, соғлиғи яхши эмаслиги, бошқа туғишни хоҳламаслигини айтди. Ахир, мен оила бошлиғи сифатида бунини ўзим ҳал этишим керак эмасми?

— Йўқ, бундай эмас. Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир (Оила кодексининг 4-моддаси). Эр-хотинлардан ҳар бири ҳеч қандай чеклашларсиз фарзандлар сони масаласини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Фарзанд туғилиши эр ва хотинга боғлиқ бўлгани каби, оиладаги фарзандлар сони, аёлнинг туғиш ва туғмаслиги ҳам биргаликда келишув асосида ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 21-моддасига кўра, болалар тарбияси ва оилавий турмушининг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал этади. Демак, оиладаги фарзандлар сони, фарзандлар ўртасидаги оралиқ муддат, ақиди қариндошуруғлар ҳам, кўни-кўшни ёки танишбилишлар ҳам буйруқ бера олмайди. Бундан ташқари, ҳеч ким аёлни туғишга ёки, ақсинча, аборт қилдиришга мажбурлаши мумкин эмас. Ҳар бир аёл ва унинг фарзанди давлат ҳимоясидадир.

Оиладаги фарзандлар сони эр-хотин ихтиёрига кўра, уларнинг соғлиғи, моддий таъминланганлиги, тарбияси ва бошқа бир қатор омиллар билан белгиланади.

— Мен дипломат бўлишни хоҳлайман, лекин ота-онам бу соҳа эркаклар касби эканини айтаяпти. Аёл киши дипломат бўла оладими?

2011 йил учун «Оила ва жамият» газетасининг ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА ҳам обуна бўлинг!

«Оила ва жамият»га тезкор усулда обуна бўлишни итисангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahagon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА



ROAD TO THE FINALS

Ўтган ҳафта миллий терма жамоамиз Тунис сафарига бўлди. Вадим Абрамов бошчилигидаги термаимиз бир неча назорат-синов учрашуварига майдонга тушди. Сўнгги назорат-учрашуви 11 декабрь кунини Туниснинг «Студ Тунисиен» жамоасига қарши ўтказилди. Ўйинда вакилларимиз 2:1 ҳисобида галаба қозонишган.

Олдинда футболчиларимизни БАА сафари кутмоқда. Режалаштирилганидек энди легионерлар ҳам таркибга қўшилиши ва Осиё чемпионатида борлиш учун тайёргарлик давом эттирилади.

«ШЎРТАН»ДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

Ҳабарингиз бор, «Шўртан» жамоаси ОФК Кубогида қатнашиши маълум бўлди. Шунинг учун жамоа таркибига бир қатор янги футболчилар келиши кутилмоқда.

Айни пайтда эса Жаводилла Ибрагимов («Хоразм»), Дмитрий Бокал («Андижон») ва Валико Кемеладзе, Шахбоз Эркинов, Ильнур Хазигалиев, Виктор Клишин, Михаил Алаидзе, Александр Мерзляков, Александр Корнейчук, Игорь Таранлар клуб таркибидеб шуғулланишмоқда.

Терма жамоамиз ихтиёрида бўлган Ярослав Крушельницкий таркибга келиб қўшилган. Дарвоқе, Вадим Афонин ҳам яқинда жамоа сафига қайтади.

«Шўртан» ОФК Кубоги ва мамлакатимиз чемпионатида муваффақиятли иштирок этиш учун таркибини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бир қатор футболчилар билан музокара олиб бориляпти.

ЖАНГ ҚОЛДИРИЛДИ

11 декабрь кунини ўта оғир вазндаги боксчилар Владимир Кличко ва Дерек Чизор ўртасида жанг бўлиб ўтиши маълум қилинганди.



Лекин бу беллашув номаълум муддатга қолдирилди. Сабаби, украиналик боксчи машғулот пайтида жароҳат олган. Шифокорларнинг маълум қилишича, Владимир Кличко ҳатто бир йил мобайнида рингга қайта олмайди. Лекин менежери Берндт Бентенинг айтишича, боксчи икки ой ичида соғайиб машғулотларни бошлайди. Рақибни Чизорга эса уч ой ичида жавоб қайтариши керак.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Муҳбирлар: 233-04-50
Котибият: 237-21-82
«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: Олой
бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 2 табақ. Адади — 7765. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oilavajamiyat.uz

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5